

Qabul qilindi: 05.07.2024 Chop etildi: 30.08.2024

**АБУ ЖАЪФАР ТЕРМИЗИЙНИНГ ХАДИС
РИВОЯТИДА ТУТГАН ЎРНИ**Улжаев Умарали Курбанович, Имом Термизий халқаро
илмий-тадқиқот маркази илмий ходими**МЕСТО АБУ ДЖАФАРА ТЕРМИЗИ В
ПОВЕЩЕНИИ ХАДИСОВ**Улжаев Умарали Курбанович, научный сотрудник
Международного исследовательского центра Имама Термизи**THE PLACE OF ABU JAFAR TERMIZI IN THE
HADITH REPORT**Uljaev Umarali Kurbanovich, researcher at the International
scientific-research Center of Imam Termizi

Аннотация. Мақолада Абу Жаъфар Термизий ривоят қилган ҳадисларнинг аҳамияти ва ҳадис илмида тутган ўрни илмий таҳлил қилинган. Шунингдек, аллома илмий меросининг ислом цивилизациясидаги аҳамияти очиб берилган.

Калит сўзлар: Термиз, Бағдод, ҳадис, тафсир, кўлэзма, маъсур, нақлий, ровий, санад.

Аннотация. В статье научно анализируется значение хадисов, рассказанных Абу Джафаром Термизи, и их место в хадисоведении. Также раскрывается значение научного наследия в исламской цивилизации.

Ключевые слова: Термез, Багдад, хадис, тафсир, рукопись, масур, накли, рассказчик, санад.

Annotation. In the article, the importance of the hadiths narrated by Abu Ja'far Termizi and their place in the science of hadith are scientifically analyzed. The importance of scientific heritage in Islamic civilization is also revealed.

Keywords: Termiz, Baghdad, hadith, tafsir, manuscript, masur, naqli, narrator, sanad.

КИРИШ (ВВЕДЕНИЕ / INTRODUCTION). Жаҳон кўлэзма фондларида, термизлик алло-маларнинг 1400 дан зиёд кўлэзмаси аниқланган бўлиб, уларнинг аксарияти қадимий ва ноёб асарлар ҳисобланади. Ушбу кўлэзмалар турли даврларда ёзилган бўлиб, бизгача етиб келган. Бу кўлэзмалар ичида Абу Жаъфар Термизий (200-295/816-908) ҳадис ривояти асосида ёзилган, таф-сирга оид асар ҳам бор. Абу Жаъфар Термизий фикҳий илмларга қизиқиши баробарида ҳадис ва тафсир илмларига ҳам қизиқиши катта бўлган. У Бағдодда “Фақиҳ ул-кузот” (Қозилар фақиҳи) лавозимида бўлиб, кейинчалик Мисрга бориб фикҳ илмини давом

этиргани манбаларда таъ-кидланган. Шунга қарамадан у шаръий билим-ларнинг барчасини бирлаштиришга ҳаракат қил-ганини кўрамиз. Кўпчилик аҳамият бермайдиган бир жиҳат борки, исломий билимларни ўзлашти-ришда ҳадисларни ўрганиш муҳим ўрин тутди. Ислом таълимотининг асоси Қуръони карим ҳисобланиб, уни ҳадиси шарифлар шарҳлаб беради. Қолган барча илмлар жумладан, тафсир илми, ақида, фикҳ каби илмлар ҳадислар орқали бизгача етиб келган. Бу ҳақиқатни яхши англаб етган Абу Жаъфар Термизий ҳам бошқа илмлар қаторида ҳадис илмига ҳам кенг эътибор қаратган.



Тел: +998 99 966 78 12

E-mail:

umarali.uljayev@mail.ru

Orcid: 0009-0009-2600-701X

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР (ЛИТЕРАТУРА И МЕТОД / MATERIALS AND METHODS).

Абу Жаъфар Термизийнинг ҳадис ривоятидаги ўрни салмоқли бўлиб, турли мавзуларда тўрт юздан зиёд ҳадис ривоят қилган. Ислом оламининг йирик уламоларидан бири, улуғ муҳаддис Абулқосим Табароний (260-360/821-918) ўзининг “Муъжам ул-кабир”, “Муъжам ул-авсат” ва “Муъжам ус-сағийр” тўпламларида Абу Жаъфар Термизийнинг йигирмадан зиёд ҳадисини жамлаган. [9] Табаронийнинг “Ал-Муъжам” асари Ислом оламида энг муътабар тўпламлардан бири бўлиб, муъжам (жамланган ҳарфлар), яъни алифбо ҳарфлари тартибида ровийларнинг исмига кўра улар ривоят қилган ҳадисларни жамлаган. Ушбу тўпلامда (ميم) “ميم” ҳарфи билан бошланадиган ровийлар бобида [9] Муҳаммад исмли муҳаддислар қаторида Муҳаммад ибн Аҳмад Абу Жаъфар Термизий ривоят қилган ҳадислар ўрин олган. Унда асосан фикҳий масалаларга оид бўлган масжид, рамазон рўзасининг қазоси, фикҳнинг фазилати, қунут дуоси, ҳаждаги тавоф, арафотда икки намозни жамлаб ўқиш, талбия айтиш, совуқ кунда намоз ўқиш тартиби ва шунга ўхшаш мавзулар ўрин олган. Бундан ташқари Абулҳасан Али ибн Умар ад-Доракутний (306-385/885-964) ўзининг “Сунани Доракутний” [2] асарида ҳам Абу Жаъфар Термизийдан мерос борасида ҳадис ривоятини келтирган. Абу Жаъфар Термизий билан замондош бўлган аллома Абу Авона Яъқуб ибн Исҳоқ ал-Исфаройиний (230-316/842-928) ўзининг “Ал-Муснад ус-саҳиҳ ил-муҳарражи ʼала саҳиҳ ил-Муслим” асарида Абу Жаъфар Термизийдан Оиша розияллоху анҳо ривоят қилган эҳром кийишда хушбўйлик суриш ҳақидаги ҳадисни ривоят қилган. [1] Шунингдек, Али ибн Умар ад-Доракутний бошқа бир “Ал-муъталиф вал-мухталиф” [3] асарида Абу Жаъфар Термизийдан Бадр ғазотида қатнашган ансорлик саҳоба Нуъмон ибн Иср ҳақидаги ҳадисини келтиради.

МУҲОКАМА (ОБСУЖДЕНИЕ / DISCUSSION). Имом Юсуф ибн Абдурахмон ал-Миззий (654-742/1256-1341) асари “Таҳзиб ул-камол фи асмо ир-рижол” [5] асарида Абу Шамус ал-Балавий Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам жоҳилият давридаги “Ҳижр” воқеаси кунда кудуклардан сув ичишни ман қилганлари

ҳақидаги ҳадисни ривоят қилган. Умуман олганда Абу Жаъфар Термизийнинг ҳадис ривояти манбаларда салмоқли ўрин эгаллайди. У томонидан ривоят қилинган ҳадислар турли мавзуларда бўлиб, муҳаддислар ўзларининг асарларида мамнуният билан нақл қилганлар. Мўътабар китобларда унинг ҳадислари ривоят қилинган бўлсада, ўзи ривоят қилиб жамлаган тафсирга оид асари барча ривоятларининг жамланмаси ҳисобланади. Ушбу асар тафсир илмига оид ривоятларни биринчи ҳижрий аср охирида ва иккинчи ҳижрий асрда яшаб ўтган алломалардан Яҳё ибн Ямон (117-189/735-805), Нофиъ ибн Абу Нуъайм (вафоти 136/754), Муслим ибн Холид Занжий (вафоти 180/797) ва Ато Хуросонийлардан (вафоти 135/753) ривоят қилган. Мазкур китобда Абу Жаъфар Термизий тўрт юздан зиёд Қуръони карим тафсирига оид бўлган ҳадисларни шайхлари Язид ибн Мавҳаб, Абдулазиз ибн Имрон, Аҳмад ибн Муҳаммад Қаввос сингари алломалардан тафсир илмига оид ҳадис ва ривоятларни эшитиб, улар орқали нақл қилиб, яхлит бир китоб шаклида жамлаган. Жумладан, муаллиф унда шундай келтиради: “Бизга Абдуллоҳ ибн Усмон, Хорижа ибн Мусъабдан ривоят қилди: “Агар билмасангиз, зикр аҳлидан сўранг” (Наҳл, 43) ояти каримаси хусусида у зот: “Илм аҳлидан сўранг” деди (яъни билмаган киши, ҳар кимдан эмас, балки илмли шахсдан сўраши ва ўрганиши керак бўлади). Абу Жаъфар Термизий яшаган асрдан икки аср ўтиб ҳам у жамлаган тафсир “Ибн Кодий” лақаби билан танилган ровий Убайдуллоҳ Уқбарий (418-508/997-1087) томонидан кўчирилгани мазкур тафсир китоби кенг тарқалганини исботи ҳисобланади. Абу Жаъфар Термизий ривоят қилган асар қўлғамасини илмий тадқиқ қилган доктор Ҳикмат Башир Ёсин китоб хошиясида асардаги ҳадислар кўпроқ “Тафсири Мужоҳид”, “Тафсири Абд ибн Ҳумайд”, “Тафсири Табарий” ва “Тафсири Ибн Абу Ҳотим” каби мўътабар китобларда айнан шу санад билан бироз лафзий ўзгариш билан келганлигини таъкидлаб ўтган. Тадқиқотчи бу ўринда қўлғамас асардаги ривоятларнинг саҳиҳлигини, бошқа мўътабар тафсир китобларда ҳам борлигини исботлаган. Ҳозирда Абу Жаъфар Термизий ривоят қилиб, жамлаган тафсирга оид ҳадис ривоятлари қўлғамасининг ягона нусхаси Суриянинг Дамашк

шаҳрида “Зохирия” кутубхонасида № 95 рақам остида сақланади. Ушбу қадимий қўлёзма китоб 1988 йилда араб тилида чоп этилган бўлиб, уни тадқиқотчи олим Ҳикмат Башир Ёсин нашрга тайёрлаган. Асарнинг хусусияти ҳақида доктор қуйидагиларни ёзади: “Қуръони каримни ўрганишда “тафсири бил-маъсур” китобларининг ўрни каттадир. Илк ҳижрий асрларда, кутубхоналарда “тафсири бил-маъсур” китоблари сақланар эди. Аммо бизнинг замонамизда фикҳ, ҳадис, тарих китобларига қиёс қилганда бу турдаги китоблар нодир ва ноёб бўлиб қолди. Абу Жаъфар Термизийнинг ривояти асосидаги ушбу асар, “тафсири бил-маъсур” (нақлий тафсир) китобларининг бизгача сақланиб қолганларидан биридир. Гарчи у ҳажм жиҳатидан кичик бўлса-да, тафсир илмида ривоят қилиш услубининг аслий ва қадимий тури эканлиги билан аҳамиятлидир. Чунки ушбу тафсирнинг ҳар бир қисми асрлар давомида муфассир имомлар томонидан ривоят қилиниб келган “тафсири бил-маъсур” биносининг асоси, дастлабки қўйилган гишталари ҳисобланади” [10].

НАТИЖАЛАР (РЕЗУЛЬТАТЫ / RESULTS). Албатта, ровийнинг ҳадис ривоятлари муҳаддис ва ҳадисшунос олимлар наздида мақбул бўлиши учун унинг ўзида такво ва омонатдорлик фазилатлари юксак даражада бўлиши керак. Ровийлар илмини ўзлаштирган ва табақот илмини жамлаган ҳадисшунос олимлар томонидан ҳар бир ровий ва муҳаддис даражалари, уларнинг ҳадис ривоятида тутган ўрни тегишли манбаларда батафсил ёритилган. Жумладан, Абу Жаъфар Термизийнинг ровийлик даражаси, унинг такво-дорлиги ва омонатдорлиги борасида кўплаб ман-баларда ижобий фикрлар айтилган. Жумладан, Абулфидо Исмоил ибн Умар ад-Димашкий “Табақот уш-шофиъийн” [6] асарида Абу Жаъфар Термизий ҳақида қуйидагиларни ёзган: “Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Наср Абу Жаъфар Термизий, зоҳид, такводор имом эди. Бағдодда яшаган. Ироқда Ибн Сурайждан аввал шофиъийлар шай-хи эди. Имом Шофиъийнинг издошларидан бўлиб, Рабиъ ва бошқаларга фикҳдан таълим берган. У Шофиъий мазҳабининг юзи эди. У Иброҳим ибн Мунзир, Исҳоқ ибн Иброҳим, Яҳё ибн Букайр, Юсуф ибн Адий ва шу табақадагилардан ҳадис ривоят қилган. Ундан Аҳмад ибн Комил, Аҳмад ибн Юсуф ибн Халлод,

Абдулбоқий ибн Нофий ва Абулқосим Табарий ҳадис ривоят қилишган. Дорақутний айтади: “У сиқа ишончли, такводор ровий”. Яна у ҳақида Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Сарий аз-Зужжож: “Унга ҳар ой тўрт дирҳам келарди, ҳеч кимдан нарса сўра-масди”, дейди. Муҳаммад ибн Мусо ибн Ҳаммод: “Мега хабар беришларича у бир неча ун кун ичида дон улушининг бешдан бирини олар эди. Ўзи дейди: “Шундан бошқа нарсага эга эмасдим ҳар куни бир дона шолғом сотиб олиб ер эдим”. У ҳақида шогирди Аҳмад ибн Комил Бағдодий: “Ироқда шофиъийлардан ундан кўра буюкроқ ва такводорроқ ва нарсаларга эҳтиёжи камроқ кишини кўрмаганман” дейди”.

ХУЛОСА (ЗАКЛЮЧЕНИЕ / CONCLUSION). Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, қайси бир алломага ҳадис ровийси мақоми берилган бўлса, демак у ҳадис илмини мукамал ўзлаштирган бўлиб, ҳадисларни китобат шаклида жамлаган ва устоз-шогирдлари ҳамда замондош алломалари томонидан эътироф этилган бўлади. Ана шундай алломаларнинг илмий ҳаётини ўрганиш ҳар томонлама манфаатли илм ҳисобланади. Аҳамиятли томони шундаки, бу каби манбаларни тадқиқ қилиш натижасида ўтмиш қаърида ётган алломаларимиз тарихи ва илмий меросини бир қадар очган бўламиз.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА / REFERENCES)

1. Заҳабий. Сияру аълом ан-нубало. – Байрут: Муассисаҳ ар-рисолах, 1985.
2. Абулҳасан Али ибн Умар ад-Дорақутний. Сунаан ад-Дорақутний. – Байрут: Муассисаҳ ар-рисолах, 2004.
3. Абулҳасан Али ибн Умар ад-Дорақутний. Ал-муъталиф вал-мухталиф. – Байрут: Дор ул-ғарб ал-исломий, 1986.
4. Абулфидо Исмоил ибн Умар ибн Касир ад-Димашкий. Табақот уш-шофиъийн. – Байрут: Мактабат ус-сикофа уд-диния, 1993.
5. Юсуф ибн Абдурахмон ал-Миззий. Таҳзиб ул-камол фи асмо ир-рижол. – Байрут: Муҳаққиқаҳ ар-рисолах, 1980.
6. Абу Бакр ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Асадий ад-Димашкий. Табақот уш-Шофиъия. – Байрут: 1982.
7. Заҳабий. Тарих ул-Ислом. – Байрут: Дор ал-кутуб, 1973.

8. Хатиб Бағдодий. Тарихи Бағдод. – Байрут: Дору ғарбул-Исломи, 2001.
9. Абулқосим Сулаймон ибн Аҳмад Табароний. Муъжам ул-авсат. – Қоҳира: Дор ул-ҳарамайн, 1995.
10. Доктор Ҳикмат Башир Ёсин. Ал-Жузъу фихи тафсир ул -Қуръан ли-Яҳё ибн Ямон ва тафсир ли-Нофиъ ибн Абу Нуъайм ва тафсир ли-Муслим ибн Холид Занжий ва тафсир ли- Ато Хуросоний би-ривоят Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Наср Термизий. Ҳикмат Башир Ёсин тадқиқи. Китоб муқаддимаси. Мадина: “Ал-мактабаҳ ад-дор”, 1988.

